

БАЙРАМИМИЗ МУБОРАК, ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР

БУТУН ДУНЕ, ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 48 (4507).

8

МАРТ
ЧОРШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз Совет аёллари!
Ватанимизнинг шонли қизлари!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни халқаро хотин-қизлар Кўни—8 март билан қиз-гин табриклайди.

Халқаро хотин-қизлар кўни бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизлар бирлиги ва интернационал бирдамлигининг рамзи бўлган аjoyиб байрамдир.

Бутун совет халқи бугун янги ҳаётнинг актив бунёдкорлари бўлган хотин-қизларнинг самимий иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик билан улуғлайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни озод қилди, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ижодий ғайратлари ва истеъдодларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар очиб берди. Хотин-қизлар учун социализм ва коммунизм йўли—чинакам эркинлик йўли, ўз ижодий кучларини рағбат топтириш йўлидир. Совет хотин-қизлари завод цехи ёки колхоз фермасида, мактаб ёки касалхонада, давлат муассасасида ёки илмий лабораторияда, ҳуллас ҳамма жойда ишлаб юратили меҳнат, юксак профессионал маҳорат, ўз ишига меҳр-муҳаббат намуналарини кўрсатишмоқдалар. Мамлакатимизнинг хотин-қизлари сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ва давлатни бошқаришда, жамиятнинг бутун кўп қиррали фаолиятида тўла ҳуқуқ билан қатнашмоқдалар.

Совет халқи ҳозирги вақтда Ленин партияси раҳбарлигида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширмоқда. Миллионларнинг ижодий меҳнати, бунёдкорлик ғайрат-шижоати билан коммунизмнинг муҳташам биноси қад кўтармоқда. Мамлакатнинг ҳамма қисмида тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг авж олди. Мамлакатимиз хотин-қизлари партиянинг режаларини амалга ошириш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Саноатда, қишлоқ ҳўжалигида, қурилишда, фан-техника тармақлари эгитиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида маданият янада ривожлантириш ишига янги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш хотин-қизларнинг ижодий ташаббуси ва ғайратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Соғлиқни сақлаш, ёш авлоднинг ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги замонавий вазифаларни ҳал этишда хотин-қизлар ҳақиқатан ҳам жуда катта роль ўйнамоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида катта ҳамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг XXIV съездида ҳисобот докладыда таъкидлаб ўтылганидек, «партия сиёсатининг мақсади совет аёлларининг болаларини тарбиялаш учун ҳам, жамоат ҳаётида кўпроқ иштирок қилишлари, дам олишлари ва ўқилари учун, маданият неъматларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун ҳам янги имкониятларга эга бўлишларини таъминлашдан иборат. Бу соҳада кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Беш йилликнинг ўтган биринчи йилидагина қурилган болалар боғчалари ва яслилар қарийб ярим миллион кичиктоиларини қабул қилди. Кўп болалар оналар ўзган йили давлатдан 400 миллион сўм вафақа олдилар. Маншай хизмати яхшилашга қаратилган амалий тадбирлар уй-рўзгор ишлари кўп жиҳатдан енгиллаштирилади. Совет хотин-қизлари мамлакатнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий ҳаётида актив иштирок этиш йўлида барча тобора қулай шар-

шароитларга эга бўлишлари учун партия бундан буюн ҳам тегишли чораларни кўраверади.

Совет хотин-қизларининг маънавий ғўзаллиги, жонқуярлиги, меҳр—муҳаббати ҳақиқат суратда қўшиқларда мадҳ этилмоқда. Аёллар ўз болаларига ҳаёт бағишлаганига қўлмай, ўз бурчига астойдил содиқ бўлиб қолишга, социалистик Ватанинг етук, меҳнатсевар граждандари бўлиб етишишга ердан берадиган юксак одоб-ахлоқ асосларини ҳам сингирмоқдалар. Бизнинг халқимиз бугун коммунизмнинг актив бунёдкорлари—меҳнаткаш аёлларни ардоқлар экан, янги жамият бунёдкорлари авлодини, ватанпарварларини, социалистик Ватанинг мард ҳимоячиларини тарбиялаб ўстираётган оналарини иззат-ҳурмат билан тилга олади.

Кўп миллатли совет халқи СССР ташкил этилган кўннинг эллингичи йилига қадам қўйди. Совет республикаларининг жипслашган, ягона оиласи ҳозирги кўнда СССР халқларининг бузимас қардошларча бирлиги ва дўстлигини ривожлантириш ҳамда мустақамлашга муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларини улуғламоқда.

Советлар мамлакатидоғи турли миллатларга мансуб бўлган ва ўзининг бутун ғайрат—шижоатини социализм ва халқлар қардошлиги тантанасига бағишлаган хотин-қизларнинг меҳнат ва жамоавар жасорати халқ хотирида абадий сақланиб қолади. Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари хотин-қизларнинг фидокорлигини кўрсатуви ёрқин намуналар. Ушш даврда аёти сиймоси мамлакатимизга бостириб кирган фашист галларини тор-мор келтириш учун даъват этган Она-Ватан рами бўлиб қолганлиги айниқса диққатга сазовордир.

Совет хотин-қизларининг интернационалиزمи уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ҳамма соҳаларида яққол намоён бўлмоқда.

Пролетар интернационалиزمи туйғулари билан тўлиб тошган мамлакатимизнинг хотин-қизлари қардош социалистик мамлакатларнинг хотин-қизлари билан, социализм, демократия, тинчлик ва озодлик иши учун, социал ва миллий зулмининг ҳамма формаларига қарши курашаётган барча мамлакатларнинг хотин-қизлари билан бирдамлигини мустақамламоқдалар. Тинчлик йўлидаги курашчиларнинг олдинги сафларида бораётган совет хотин-қизлари империалистларнинг шароит-жанубий Осиёда, Яқин Шарқда, Шимолий Ирландияда ва ер кўррасининг бошқа районларида қилаётган ваҳшона ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар.

Азиз Совет хотин-қизлари!

КПСС Марказий Комитети шонли байрам — 8 март кўни билан табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнат, болаларини тарбиялашда муваффақият тилайди ва совет хотин-қизлари партия XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш учун, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқ учун барча куч-ғайратларини сарф қилдилар, деб қатъий ишонч билдирди.

Ишасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

Яшасин халқаро хотин-қизлар Кўни — 8 март!
Тинчлик, озодлик ва социализм кўчаларининг таянчи — улуғ ватанимиз мустақамлашиб, ривожланaversин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ



МАРТ— ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎНИ

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-СОВЕТ АКТИВИ-НИНГ ЙИҒИЛИШИ

7 мартада Тошкентда республика партия-совет активининг йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ҳ. Худойбердиев республикада граждон мувофассининг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсидинов, Туркестон ҳарбий округи қўшнларни қўмондон С. Е. Белоножко, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Асмов, Ўзбекистон ССР қўриқлиш министри С. И. Иброҳимов, республика граждон мувофаси штатининг бошлиғи С. С. Охунжонов, Ўзбекистон ССР алоқа министри К. М. Тўхтаев, Чирчиқ электр химия комбинатининг директори В. Қ. Қодиров, СССР граждон мувофаси бошлиғининг ўринбосари В. А. Греков қатнашдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нўтқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва бюроси аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахоннов, О. У. Салимов, Қ. Камолов, Г. М. Орлов, С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Маринюк, М. Турсунов, А. Р. Хўжаев, КПСС Марказий Комитетининг инструктори В. А. Медведев иштирок қилдилар.

Йиғилиш муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (ЎЗТАГ).

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШЛАР

МОСКВА

7 март — байрам арафаси кўни ССР Иттифоқининг Бoлшoй театрида похтайт партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг, корхоналар ва Москва области дaлaлaри илгорларининг, маданият, фан ва санъат арбобларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. А. Гринин, А. П. Кириллов, В. А. Носкин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суевлов, А. Н. Шеленин, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Канитонов, К. Ф. Катусев ўртоқларини қизгин кутиб олди.

Тантанали йиғилишнинг Москва шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосари П. А. Воронина очди. У КПСС Марказий Комитетининг совет хотин-қизларига табрикомаси тексини ўқиб эшиттирди.

Совет хотин-қизлари комитетининг раиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Николаева-Терешкова, «Авангард» заводининг тоқари В. М. Ясиновский, Москва области, Красногорск районидан «Ленинскй тeлyч» колхоз партия ташкилотининг секретари Л. А. Белоножко, Москва Давлат университетининг студенти Светлана Меркулова ўртоқлар йиғилишда нўтқ сўзладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

ТОШКЕНТ

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида улкан шодона байрам, Республика меҳнаткашлари барча совет кишилари

билан биргаликда халқаро хотин-қизлар кўнини нишонламоқдалар.

7 март кўни Тошкентда умумшаҳар тантанали йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди. А. Навоий номили театрининг Тошкент корхоналари ва қурилишларининг ишчилари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет жамоат ташкилотларининг вакиллари тўпландилар.

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва бюроси аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, С. Р. Расулов, С. У. Султонов президиумга чиқадилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Екүбжонов кўриш сўзи билан очди.

КПСС ленинчи Марказий Комитети Сийсий Бюроси фахрий Президиумга ҳозир бўлганларнинг гулдўрос қарсақлари остида сайланди.

Тошкент авиация заводининг электрини Н. И. Храмов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография давлат комитетининг раиси А. П. Қажонов, шоир Рамз Бобожон, ТошДУ тайёрлов факультетининг вьетнамлик студенти Фам Тве Нга шонли меҳнаткаш аёлларни самимий табриклядилар. Улар хотин-қизларга меҳнатда, ўқишда, шахсий ҳаётларида катта муваффақиятлар тилашди.

(ЎЗТАГ).

НАФОСАТ ДАВРАСИ

Сўлим баҳорнинг еллари эсиб турган шу муътабар кўнларда қувонч устига қувонч, дилларда шодлик. Кўни кеца бир давра — бир ғўзал анжуман бўлдики, унинг татрифи шу йиғишда иштирок этган қалби оғаш аёллар дилида, тилида мадҳ этилди.

Номи-неъматга тўла тўкин дастурхон атрофини чехралари иссиқ, гулгун ясанган, бахти қулган аёллар фазз кириб ўтиришди. Булар областимизнинг илгор аёллари: муҳтарам онахонлар, опа-сингиларимиз. Кўпчилигининг кўсинчи қатор орден ва медаллар беэаб турибди. Ҳа, улар меҳнат аҳллари.

Ана Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун Охунова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева, СССР Олий Советининг депутаты, Чирчиқ электромеханика комбинатининг аппаратчиси А. Костина, сабзавоткор Тўхта Абдуллаева, пахтакор, механизатор, олимпиада, врач, чевар, турли-туман касб эгалари. Бу ерга улар баҳор байрами, бахт байрами, хотин-қизларнинг халқаро бирдамлик кўни 8 Март байрами муносабати билан тўпландилар.

Аёлларни бу улўғ байрам билан область партия комитетининг секретари З. Хўжаев

қизгин табрикляди. Шодона бошланиб кетади. Бирин-кетини сўзга чиқадилар, бир-бирларини кутлайдилар.

Биринчи бўлиб ўрта Чирчиқ районидан Терешкова номили колхоз раиси Умри Хасанова, сўнг олимпиада Раҳима Аминова сўз оладилар.

Бу давра шонли кўнларда — бутун совет халқи СССР ташкил тошган кўннинг 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга қизгин тайёргарлик қўраётган кўнларда ўтаётганлиги, бу тўйин Советлар ҳокимияти туфайли, Октябрь революцияси туфайли озодликка чиққан ўзбек аёллари айниқса, алоҳида меҳр ва сadoқат билан қарши олаётганлигини сўзлайдилар.

Бекободлик металл қувончи Санда Каримова сўзини ҳамма олқишлар билан кутиб олди.

Даврада шоир ва шoirалар Зулфия, Эътибор Охуннова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Гулчехра Жўраевалар ҳам ўтиришарди, аёлларни кутлардилар. Санъаткорлар эса уларнинг дил куйлари, ғўзал рақслари билан қўшнуд этадилар.

Область хотин-қизлар Совети томонидан ташкил этилган бу нафосат давраси анжуман қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдириди.

Суратда: областимиз илгор хотин-қизларидан бир гуруҳасини кўриб турибсиз. Улар ўз байрамларига меҳнатда улкан ютуқларини қўлга киритган ҳолда келдилар. Шу боисдан ҳам чехралари дан табассум ариаяпти.

А. АБАЛАН ФОТОСИ.

«ОНА МАДҲИЯСИ»

Шинамгина безатилган зал. Ғарда муътабар оналар, атрофини фарзандлар қўшаб олишган: Мухтарам оналар, сизларнинг бугун қизларингиз қўлаш учун бу ерга чорлашган!

«Қизлар давраси»нинг навбатдаги кечаси тўқин дастурхон атрофида қизнинг суҳбат бошланди. Ёқимтой аёл суҳбат мавзусини айтиб, кечани, очди. Қизлар оналарни табрик-

лаб, бирин-кетини шеър ва қўшиқлар айта бошладилар. Мавлуда «Она юраги» монологини ҳаяжон билан ўқиди. Камолда бўлса «Онасан меҳрибонсан» қўшигини ижро этди. Муҳаббат эса «Она Ватан» шеърини мароқ билан ўқиб берди. Ахир, она дийри куйлашдан ортқ бахт борини!

Шу пайт қарасак овози янгради: минбарга олимпиада шона Музаляна Алавиа кўтарилди. У ширин суҳбатга яна ҳам фойз киритди. Оналарга аталган ҳикматли сўзларини айтиб уларни кутлуг кун билан табриклади. Ундан сўнг эса, қаҳрамон она Фағия Му-

ҳаммадиёва сўз олади, сажиз фарзанди шу мактабда таълим олаётганидан хурсандлигини, изҳор этди.

Мактабда «Қизлар давраси»ни бошлаганига анча бўлди. Бу ерда гузаллик, дўстликка бағишланган кечалар ўтказилди. Бугунги «Оналар мадҳияси»га бағишланди. «Қизлар давраси»нинг раҳбари Кароматхон янги режалар ҳақида гапириб берди:

— Даврамиз тобора кенгайиб борапти. Яқинда «Наврўз» кечасини ўтказамиз, кейингисини эса касб таълимига бағишланади.

Ж. СОДИҚОВА.

Тошкент халқ ҳўжалиги институти республикадаги йирик ўқув марказларидан ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили юзлаб экономика кадрлари ўқинишни битириб, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига йўл олади. Суратда: институтининг ҳисоблан марказида студентлардан С. Аҳмедова, Х. Тоҳировалар практик машғулот ўтказмоқда.

С. Безносоев фотоси.

МЕҲРИБОН ҚАЛБ

Кенг, асфальт кўчадан юзлабда нур ёғиб турган бир аёл ўтиб боради. Ўзини бежиримгина ийибми ўзига жуда ярашиб тушган. Қўнчилик уни ҳар тоғ учратади. Унинг лабидан табассум, чеҳрасидан қувонч аринмайди.

Сирожия она Ифшошева бўлади бу аёл! Пойтахтнинг Октябрь районидан «Обод», «Учқун», «Тельман» маҳаллалари аҳлининг катта-кичиги уни яхши танийди. Сирожия она 34 йилдан бери боғчада ишлайди.

Ешланиданоқ болалар тарбиясига меҳр қўйган. Тошкентдаги Куйбишев номидаги мактабда таомлаб, педагогика билим юртига ўқишга кирди. Иккинчи йилда курсни тавониб, Октябрь районидан 27-болалар боғчасига ишга ўтди. Ўзининг жамоатчилиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Орандан кўп ўтмай мудирлик вазифасига тайинланди.

У Улғу Ватан уруши даврида ҳам болалар тарбияси билан аяқдан шугулланди.

Моҳир тарбиячи Тошкент давлат педагогика институтининг мактабга болалар тарбияси факультетини таомлаб, олий маълумотли тарбиячилар сафига қўшилди. Сўнг 112-болалар боғчасида ишлади. 1958 йилдан бери Октябрь районидан 23-болалар боғчасининг мудираси. Ҳозир бу ерда 70 бола иккинчи гуруҳда тарбияланмоқда. Зайнаб Сибатгулиева, Муназзас Умарова, Рихсида Ойбекова, Нурия Хайратуллиналар иккинчи тоғларнинг севимли онажонлари бўлиб қолдилар.

У. МИРЗАХОШИМОВА.

ҚИСКА САТРАЛАР

• Яқинда қисмининда ССР Иттифоқининг 50 йиллиги олдидан тантанали йилнинг кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига бағишланган бу кечадан Э. Ашуров, В. Цариков ва бошқаларнинг сўзга чиқиб, қўшма республика ҳақида сўзлашганлари тўқинлашиб гапириб бердилар. Кеча қатнашчиларда чуқур таассурот қолдирди.

М. ПОРСИХОНОВ, Н. ҚИСИ.

• «Чирчиқилстрой» трестга шаҳарда энг йирик — 1500 ўқувчида мўлжалланган мактаб биносини қуришга киришди. 3-микрорайонда қад қўтарилган бу билим даргоҳи замонавий жиҳазларга эга бўлди. Бинода жойлашадиган спорт залида эса республика матбўқатдаги спорт мусобақалари ўтказилади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.


• Пойтахтнинг 2-Шарқий-шумол турар-жой массивида ушбу бўлидан иборат янги озиқ-овқат магазини очилди. Қуйи-ше раийшчеттери бу маҳаллада қўшма ва сабаботлар билан савдо қилувчи яна бир бўлимин ишга туширишга тайёргарлик қилимоқда.

А. НОДИРОВ, З. СОЛИХОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Ҳали уйга борганда «Ада, шарларни санаб қўлинг!» дегин.



— Ҳа, ақл ўргатган ўша сандан ўргилди... А. Ҳолиқов чизган расмлар.

ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРГА СОДИҚМИЗ

РАЙОН ҲАРБИЙ КОМИССАРИАТЛАРИДА

Армия сафига қақирлувчиларнинг ҳозирги замон тарихий тараққиёти давридаги билим даражаси ва маданияти юксалганлигини ҳисобга олиб, уларнинг хизмат мuddати 3 йилдан 2 йилга қисқартирилганлиги армия сафига қақирлувчиларнинг ҳарбий хизматига ҳар томонлама пухта тайёргарлик талаб қилади.

Партиянинг қарорларини амалга ошириш учун курашадиган район ҳарбий комиссариати коллективи навбатдаги армия сафига қақирлувчиларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини мунтазам ошириб бормоқда. Бунда район пар-

тия, совет ва комсомол ташкилотлари билан ҳамда уларнинг кундалик амалий ёрдамига таянган ҳолда иш қилинмоқда. Бизга район ДОСААФ ташкилотининг кўрсатилган ёрдами ҳам катта бўлади.

Тошкент таниқ билим юрталар курсантлари билан учрашувлари ўтказилмоқда. Шунингдек, армия сафига қақирлувчиларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан ҳам учрашувлари тез-тез ташкил қилиниб боришмоқда. Бу ишда бизга комсомол, насаба союз ва кенг жамоат-

чилик актив ёрдам кўрсатишмоқда.

Совет Армияси сафига қақирлувчиларнинг ота-оналари ва оила аъзолари ўртасида ҳам оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни қўлайлаштириб юборганимиз. Жойларда улар орасида ўтказилган суҳбат ва лекцияларда умумий ҳарбий таълим тўғрисидаги қўнғун кенг пропаганда қилинмоқда.


Ёшлар ўртасида ҳарбий вазтанпарварлик ишларини тобора яхши йўлга қўйишнинг ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунга қадар Совет Армиясига қақирлувчилардан бир неча киши «ГЗР» значогига эъло да-

ражада нормалар топишди. Шулардан кўли офицерлар тайёрлаш олий мактабига юборилди. Шунингдек, ДОСААФ йўли билан Чирчиқ шаҳри ва районимиздаги 125-автобазада Совет Армияси сафига қақирлувчилар шоферлик мактабидан таълим оляпти. Ҳарбий комиссариатимиз коллективий районимиздан Совет Армияси сафига қўзғатилган ва ҳозир ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган жангчилар билан алоқани ҳам тобора яхши йўлга қўйишмоқда. Язалкент шаҳридан Совет Армияси сафига кетган оддий солдат А. Альберг, старший

сержант В. Новиков ва иккинчи даражали старшина В. Паперичский каби ўнлаб ҳам-шаҳарларимиз, шунингдек, бошқа қўлаб йигитларимиз Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоты қисмларида Ватан олдидаги бурчини садоқат билан ўташмоқда.

Жонажон Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада ошириш учун коллективимиз ёшлари ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида барча тадбирларни амалга оширавелади.

Майор Р. ИКРОМОВ, Бўстонлик район ҳарбий комиссари.



У. МИРЗАХОШИМОВА.

3:2 ҲИСОБИ КАМЛИК ҚИЛДИ

«Пахтакор» футболчилари «Днепр» командаси билан ўз майдонида бўлган иккинчи жавоб уйини жуда ёмон оё-ба-шо шартинда ўтказишди. Ёнгирдан сўнг шиддат билан ёға бошлаган қор майдонни ишдан чиқарган, футболчиларнинг ҳаракатларини ниҳоятда мураккаблаштирган эди.

Пахтакорчилар ҳам, «Днепр» ҳам нимчорак финалга чиқиш учун бор кучларини ишга солидилар. Аввал меҳмонлар муваффақиятга эришди. 53 минутда Назаров пахтакорчи Ҳоворов дарвозасига жавоб тўпи киритди. 57-минутда «Пахтакор» капитани Абдураимов 11 метрлик штраф зарбасини мўлжаллаб аниқ олиб, ҳисобини 1:1 қилди. Кейин Исоқовнинг олдинга олиб чиқди. Аммо, қайта ҳужумга ўтган украин футболчиларининг яна бир ҳаракати муваффақиятли яқуллади: тўп ҳимоячи Иноатов оёғига тегиб қолди, майдон эгалари дарвозасига кириб кетди. 74-минутда Иброҳимов ҳисобини 3:2 қилди. Бу ҳисоб СССР кубогининг навбатдаги даврасига чиқиш учун «Пахтакор»га озлик қилди. Ҳамшаҳарларимиз ҳисобини оширишлари мумкин эди-ю, лекин дарвозабон билан яккама-якка чиқиб қолди, иккинчилардан фойдала-

на олмадилар. Рақиблар майдонда қиртилган ҳар бир тўп иккита ҳисобга ўтмиш «Днепр»га қўл келди. Олий лиганинг янги аъзоси нимчорак финалга чиқди.

Шунингдек, Ленинграднинг «Зенит», ЦСКА командалари ҳам 1/8 финалда иштирок этадиган бўлишди. Ленинградликлар Сочидан «Олга»ни 4:0 ҳисобидан енгилар. Армиячилар эса Кисловодскда «Спартак» (Орхоникдзе) билан бўлган иккинчи учрашувни 1:1 ҳисобидан дуранг қилдилар.

ЎЗБЕК ПОЛВОНЛАРИ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Белоруссия пойтахтида Иван Поддубный хотираси учун ўтказилган халқаро турнир ўзбекистонлик икки полвон Рустам Казоков ва Аббос Шодиевларнинг ғалабаси билан тугади. Республикаимиз вакилларидан ташқари яна етти совет полвони бу турнир ғолиби бўлиди.

Мутахассислар айниқса тошкентлик жаҳон чемпиони Р. Казоковнинг маҳоратини юксак баҳоладилар. Унинг агрессивлиги, тактик фикрлаш қобилияти мукаммаллигини алоҳида таъкидладилар. Казоков ҳар қандай «жанг»да ташаббусни қўлга олиш учун интилади. У 1969 йилги жаҳон чемпиони Эронлик полвон Феруз Ализода билан бўлган «жанг»ни жуда чиройли

ўтказди. Эронликнинг темирдек бақувват қўллари ҳам иш бермай қолди. Рустам чиройли комбинациялар ишлатиб, рақибини катта устунлик билан мағлуб этди. 21 ёшлик Аббос Шодиев ўткир ҳужумкор услубдаги курашчи эканлигини кўрсатди. У мусобақадан мусобақага катта таъриба орттириб бормоқда, курашнинг нозик тактик томонларини ўзлаштирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИ ЁКИ ГРУЗИЯ?

Москвада давом этаётган СССР шахмат олимпиадасида қўрғандаги мусобақалар тугамоқда. Уччала гуруҳдан асосий пешқадамлар аниқланди. Биринчи гуруҳда РСФСР вакиллари ва Ленинград командаси олдинда бормоқда. Иккинчи гуруҳда москвалилар ғолиб чиқди. Иккинчи ўрин учун Латвия ва Беларуссия шахматчилари рақобат қилишмоқда.

Ўзбекистон командаси Украина, Грузия, Молдова, Армения, Қирғизистон вакиллари билан учинчи гуруҳда куч синаямоқда. Бу гуруҳда кутилган Украина шахматчилари биринчи ўринда туришди. Иккинчи ўрин учун Ўзбекистон ва Грузия командалари ўртасида қизғин бахс кетмоқда. Республикаимиз шахматчилари ўзларининг асосий рақиблари билан бўлган матчи кўтаринкилик билан ўтказдилар. Командаимизда Мухин, Ким, Мертчан рақибларини таслим этди, республикамиз командасига қийинат очколар келтирдилар. 9 ўйин тугади, ҳисоб ўзбекистонликлар фойдасига 5,5—3,5 бўлиб турибди. Қолган уч партия кечятирилди.

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР

ОДАМИЙЛИК

Омоннинг чарқоқ қўзлари кўк конвертдаги адреста тушди: Сирдарё областы Досталик райони Матросов кўча 8-уйда истиқомат қилувчи Облоқул Тоҳировдан.

Дарров эсладим: ўша тунда танишсан меҳмондан бу. Шомашини хатини қўлга олиб бир бошдан ўқиб бошладим...

Ўша кунини Омон сўнгги йўловчининг манзилга элтиб, Оқтепа кўпригидан энди ўтган ҳам эдикки, ўрта ёшлардаги бир киши қўл кўтариб қолди. Иккинчи, дарҳол тормозин босиб машина эшигини очди.

— Хизмат? — Кечирасиз ука, Чилонзорда турадиган бир танишмининг уйини излаб, адашиб қолдим. Сизга маълум келмасиз, мени яқинроқдагидан бирор меҳмонхонага элтиб қўйсангиз.

Омон йўқ демади. Чилонзор катта жой: уйлари, кватталари бир-бирига ўхшаб кетди. Четдан биринчи бор келган кишининг адашиб қолиши турган гап. Буянгини устига ҳозир тун. Адресин кимдан ҳам суриштирадими?

Омоннинг хаёлидан шу фикрлар ўтди-да: — Марҳамат қилинг, — деди ва гаражга кетаётган йўлдан бурлиб, машинани «Тошкент» меҳмонхонаси томон бурди.

Ўзловчи сирдарёлик экаи. Поёздан тушганда қош қорайиб, шаҳар узра тун чойлашиб ёйла бошлаганди. Вокзалдан Чилонзорга етиб келгунча яна бирор вақт ўтди. Шу тари-

қа қўнадиган манзилни излаб, тополмай анча овоза бўлиб қолди.

Бахтга қарши ўша кунини «Тошкент»да ҳам, «Россиа» ва «Шарқ»да ҳам бўш ўрилар топилмади. Ҳаммаси йигитлигига келган делегатлар билан банд экан.

— Энди гап бундай, — деди Омон охири, — вақт ярим кечадан охиб кетди. Мен сизни шу аҳволда қўнага ташлаб кетолмайман. Ҳозир биргаликда машинани гаражга қўйишда, кейин тўғри бизнингга борамиз. Шу баҳонда ҳовлимизни ҳам кўриб кетасиз. Вир кўриб танишми қолдик энди.

Однинг меҳмон истиҳолга қилди.

— Бемаҳалда уйдагиларни безовта қилмайин, — деб унамади. Омон 5-таксомотор паркига машинани қўйиб, навбатчи машинада меҳмонни уйига олиб кетди. Шу бўли улар оғанидек бўлиб қолишди...

Облоқул Тоҳиров йўллаган мактубга кўз югуртириб Омон мана шу воқеани эсладим, мийғида қўлиб қўйдим. Чарқоқли эзилгандек, руҳи ёришгайдек бўлди шу дамда. Яхшилик яхши экан-да. Қаранг, 5-таксомотор парки шофери Омон Ниёзовнинг мана шу оддийгина ишидан бир одамнинг боши кўкка етибди. Миннатдорчиликларини қалбидан чиқариб оқ қороз бетига терибди-да, дўст хонадонига йўллабди.

Ж. НОСИРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8-МАРТДА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — «Хар дом бўлсин онам» Телевизион композиция, 10.30 — «Мунизлар маснани» (ишчи программаси), 11.20 — Хотин-қизлар байраминига бағишланган концерт.

12.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.50 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 16.55 — «Ахборот» информацион программаси, 17.05 — «Ешлин» студияси кўрсатади, «Машъал ёшларини».

17.45 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.45 — «Ешлин» студияси кўрсатади, «Қизлар давраси».

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.30 — «Уч дугона» (музикали кўрсату, ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 17.45 — Учувлар учун, «Еш куч» программаси, 18.40 — Турсун АЗИМОВ асарларидан концерт, 19.20 — «Браслет-2» (бадий фильм).

20.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — Мардик трассаларида» (телевизион ҳужжатли фильм, рус тилида).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Мен севган дийр» (ҳужжатли фильм), 21.00 — «Юркан йўл» (бадий фильм).

9-МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси, 11.00 — Янгилар, 11.10 — «Биринчи қиз» (бадий фильм, ўзбек тилида), 12.25 — Кўрсатувлар программаси.

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун кинофильм, 18.30 — «Ахборот» информацион программаси, 18.45 — «Ўзбекистон» киножурнали (ўзбек тилида), 18.55 — «Альбатроснинг сўнгги рейси» (телевизион бадий фильмнинг 2-серияси).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информацион, программаси, 20.45 — Ранглик телевидение, в Узбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ассамбининг концерти, 21.35 — СССР ташкил топан кунининг 50 йиллиги олдидан, туқизилиши беш йиллигининг иккинчи йили марралари.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.30 — «Заречная кўчасида баҳор» (бадий фильм, ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 — «Замонадонимиз» телевизион очерк (рус тилида).

20.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — «Ешлин» студиясининг меҳмонлари (ўзбек тилида).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — Геология министрлиги Маданият уйи бадий хаваскорларнинг концерти, 20.40 — «Қизлар» (бадий фильм, ўзбек тилида).

ТЕАТР

ХАМЗА НОМИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА—

8/III да Олтин девор (кундуз), Парвоз (кечқурун), 9/III да Олтин девор.

МУҚИМНИ НОМИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—

8/III да Хотиннинг эри (кундуз соат 12 да), Ярим тундаги ўғирлик (кечқурун), 9/III да Ёшликда берган кўнгул 10/III да Тошболта оғзи.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДИРИДА—

Альбина Зотова раҳбарлигидаги «АФОНАВИЙ УЛКА» иллюзион аттракционнинг гастроллари (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; яшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02273. ИНДЕКС 64697. Б. 1703.